A black and white photograph of a man from behind, standing on a grassy bank and fishing with a rod. The sun is low in the background, casting a warm glow over the scene.

# ОВ ТУРИЗМ

Тошкент вилоятининг махсус ов ҳўжаликларида  
ов қилиш ва саёҳат  
ДАСТУРИ

Тошкент – 2021 йил.

## ОВ ТУРИЗМ

Тошкент вилоятининг махсус ов хўжаликларида ов қилиш ва саёҳат дастури

**Маршрут:** Тошкент вилояти Бекобод тумани

**Давомийлиги:** 1-2 кун.

**Транспорт:** махсус автотранспортда (йўлтанламас).

**Кисқача мазмуни:** Овга қизиқувчи ҳаваскорлар учун мутахасислар хамрохлигига

Тошкент вилояти Бекобод туманининг йирик ов хўжаликларида ов ташкил қилишдан иборат.

(дастури асосан овга қизиқувчи ҳаваскор иштирокида ҳафтанинг дам олиш кунлари ташкил этилади).

# 1 кун

## Вақти

(Давомийлиги)

## Объект

6:00

Тошкент шаҳри йиғилиш ва Тошкент вилоятига жўнаб кетиш.

6:00

Тошкент вилояти Бекобод туманига етиб бориш

6:00

“Ҳайбатқўл” ов хўжалигига тегишли йирик қўл хавзасига махсус қайиқларда тушиб мутахасислар иштирокида балиқ овлаш сирларини ўрганиш.

6:00

Дала шароитида балиқдан турли таомлар тайёрлаш ҳамда тайёрланган таомларни танавул қилиш (тушлик қилиш).

6:00

Балиқ овини давом эттириш.

6:00

“Ҳайбатқўл” ов хўжалиги худудида махсус чодирларда ёки овчилар уйида тунаб қолиш.

# 2 күн

## Вақти

(Давомийлиги)

8:00 – 9:00

## Объект

9:00 - 9:20  
(20 дақықа)

9:20 – 12:20  
(3 саот)

Нонушта

“Далварзин” ов хўжалигига етиб келиш.  
“Далварзин” ов хўжалиги ҳудуди бўйлаб экскурсия уюштириш –  
максус рухстнома асосида (очиқ табиятда кўпайтирилаётган  
турли хил ёвойи қушлар ва хайвонларни томоша қилиш)

12:20 – 13:00  
(40 дақықа)

13:00-14:00  
(60 дақықа)

14:00-14:50  
(50 дақықа)

Бўка туманига етиб келиш.

Тушлик


Тошкент шаҳрига етиб келиш

# **ОВ ТУРИЗМ (Балиқ ови)**

Тошкент вилоятининг махсус ов ҳўжаликларида ов қилиш ва саёҳат  
ДАСТУРИ

---

## **Тошкент – Бекобод – Тошкент**



Бекобод тумани - Тошкент вилоятидаги туман. 1926 йил 29 сентябрда ташкил этилган. Шимолида Тошкент вилоятининг Бўка тумани, ғарбда Сирдарё вилояти, шарқ ва жанубда Тожикистон Республикаси билан чегарадош. Туман ҳудуди Далварзин чўли ва қисман Мирзачўлда жойлашган. (Январнинг ўртача т-раси — 2,5 градус июлники 28,5 градус. Йилига 227 мм ёғин тушади. Вегетация даври 220 кун.) Туманнинг жанубида шамол кўп бўлади. Жанубий-шарқдан шимолий-шарққа томом Сирдарё оқиб ўтади.



Сирдарё соҳилида қолдик қўллар (Қолгансир, Катта Қолгансир, Янгиқўл, Ҳайбатқўл, Қозон, Шўркўл) бор. Далварзин (Унг ва сўл тармоқлари билан), Живали, Ўртоқли, Дўстлик каналлари ва Хасёз ариғи оқиб ўтади. Тупроғи ўтлоқи ва ўтлоқи-ботқоқ, оқиш бўз тупроқ. Бекобод туманида мия, янтоқ, қамиш, кўфа, юлғун, қиёқ каби ўсимликлар ўсади. Чиябўри, тўқай мушуги, бўрсик, кўшоёқ, кўрсичқон, кушлардан ўрдак, лойхўрак, қирғовул, суфитўрғай, чумчук ва бошқалар яшайди.

## 1 кун

### Тошкент – Бекобод – Ҳайбатқўл

**6:00** - Тошкент шаҳридан жўнаб кетиш.

**7:30** - Тошкент вилояти Бекобод туманига етиб бориш.

**7:30 - 8:00** - Бироз хордиқ чиқариш ва балиқ овига тайёргарлик кўриш.

**8:00 - 12:00** - “Ҳайбатқўл” ов хўжалигига тегишли йирик қўлга маҳсус қайиқларда тушиб мутахасислар хамрохлигига балиқ овлаш.

**12:00 - 14:00** – Дала шароитида балиқдан турли таомлар тайёрлаш ҳамда тайёрланган таомларни танавул қилиш (Тушлик ва қисқа дам олиш).

**14:00 - 19:00** – Балиқ овини давом эттириш.

**19:00** - “Ҳайбатқўл” ов хўжалиги ҳудудида маҳсус чодирларда ёки овчилар уйида тунаб қолиш (Кечки овқат ва дам олиш).

## ХАЙБАТҚҮЛ



Тошкент вилояти Овчи ва балиқчилар спорт бирлашмасыга қарашли бўлган “Хайбатқўл” ов хўжалиги 56 га майдонда ташкил этилган бўлиб, ушбу хўжаликда овчи ва спортчилар шунингдек, ҳаваскорлар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ов хўжалигидан мавсумдан келиб чиқиб, турли ёвойи ҳайвонлар ва қушларни овлаш мумкин, жумладан, овлашга енг кўп қизиқиш бўлган балиқ, қирғовул, ўрдакларни овлаш мумкин. ҳаваскорлар учун барча жиҳозлар ва ускуналар шу ернинг ўзида ижарага олиб фойдаланиш имконияти мавжуд.





Мамлакатимизда 500 дан ортиқ күл ва сув омборлари мавжуд. Юртимиз маданий ва тарихий мероси билан бир қаторда ёввойи табиат ихлосмандларида ҳам катта қизиқиши уйғотмоқда. Ўлканинг хилма-хил ландшафтларида 4 500 тур үсимлик, 14 900 тур умуртқасиз ва 702 тур умуртқали ҳайвонлар мавжуд. Улар орасида 400 га яқин үсимлик ва 40 га яқин умуртқали ҳайвонлар Ўрта Осиёдан ташқарида ҳеч қаерда учрамайди, яъни ендемик хисобланади.

## 2 кун

### Хайбаткүл – Бекобод - Тошкент

**8:00 - 9:00** – Нонушта.

**9:00 - 9:20** - “Далварзин” ов хўжалигига етиб келиш.

**9:20 - 12:20** - “Далварзин” ов хўжалиги ҳудуди бўйлаб экскурсия уюштириш (очик табиятда қўпайтирилаётган турли хил ёвоий қушлар ва хайвонларни томоша қилиш).

**13:00-14:00** - Тушлик

**14:00 - 14:50** - Тошкент шаҳрига етиб келиш.

## ДАЛВАРЗИН



Далварзин ов хўжалигида - овчиликнинг замонавий кўринишини ва уни санъат даражасига олиб чиқилганилигига гувоҳ бўлишингиз шунингдек, очик табиатда парвариш қилинаётган кўплаб ёввойи ҳайвонларни томоша қилишингиз моҳир овчилардан овчилик сирларини ўрганишингиз ва ов хўжалиги худуди бўйлаб экскурсия қилишингиз мумкин бўлади.



2021 йилдаги Тошкент вилояти Бекобод туманида маҳсус ов хўжаликларида ов қилиш ва саёҳат йўналиш бўйича

## ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАСИ

---

### 1. Йўналишнинг асосий кўрсаткичлари

Йўналиш номи: **“Ов туризм”**

Туристик йўналиш тури: **“Ов туризм”**

Йўналиш узунлиги: **240 км.**

Шу жумладан пиёда: **5 км.**

Транспорт воситасида **135 км.**

Саёҳат давомлилиги: **1-2 кун.**

Гурӯҳдаги сайёҳларнинг минимал сони: **4 киши.**

Саёҳат нархи: **1 640 000 сўм.**

Бир ойда олиб бориладиган гурӯҳлар сони: **2 та.**

Шу жумладан, Октябрь 2та, Ноябр 2та.

Сайёҳларга тарқатиладиган тарқатма материаллар турлари: (2 хил) Саёҳат дастур ва саёҳат йўриқномаси.

Туристик йўналиш ёки алоҳида объектни қайси дастур орқали тарғибот қилиниши: ташкилотнинг расмий веб-саҳифасида, ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида, телеграм каналида ҳамда рекламага ихтисослаштирилган бошқа интернет тармоқларида ва билбордларда.

Туристик саёҳат бошланадиган туристик объект манзили: Тошкент вилояти Бекобод тумани “Хайватқўл” ов хўжалиги.

## 2. Йўналишда сайёҳларга хизмат кўрсатиш бўйича дастур

№	Ташриф бериладиган худудлар номи	Саёҳат давомида ташриф буюриладиган объектлар номи	Режалаштирилган туристик хизматлар тури	Саёҳат давомида ташриф буюриладиган овқатланиш шаҳобчалари номи	Саёҳат давомида ташриф буюриладиган жойлаштириш воситалари номи
1.	Тошкен вилояти		Транспорт хизмати	Жоийда ташкил қилинади	Овчилар уйи
1.1.	Бекобод тумани	“Хайватқўл” ов хўжалиги	Ов учун зарур бўлган маҳсус кийим, жихозлар ва аслахалар ижараси		
1.2.		“Далварзин” ов хўжалиги	Хамроҳ йўл бошловчи хизмати		

## Саёҳат режаси

№	Ташриф буюриладиган объектлар номи	Туризм хизмати тури	Бир сайёҳ учун нархи	10 кишилик гурух учун нархи
1.	Беобод тумани	Транспорт хизмати	100 000 сўм	1 000 000 сўм
	“Хайватқўл” ов хўжалиги	Жойлаштириш хизмати	110 000 сўм	1 100 000 сўм
2.	“Далварзин” ов хўжалиги	Ов учун зарур бўлган маҳсус кийим, жихозлар ва аслахалар ижараси, Хамроҳ йўл бошловчи хизмати. Тушлик.	200 000 сўм	2 000 000 сўм
<b>3</b>	<b>Жами:</b>		<b>410 000 сўм</b>	<b>4 100 000 сўм</b>

# **ОВ ТУРИЗМ (БАЛИҚ ОВИ)**

Тошкент вилоятининг махсус ов ҳўжаликларида ов қилиш ва саёҳат дастурининг ТАРФИБ ҚИЛИШ РЕЖАСИ

---

Мазкур маршрутини реклама қилиш ва тарғиб қилиш бўйича қуидаги маркетинг режаси амалга оширилади.

Биз мавжуд бўлган барча манбаалар ва ахборот материалларидан фойдаланган холда ҳамкорларимиз учун материаларимизни тақдим этиш масаласида батафсил ёндашилади.

Бизнинг режамизга асосан биринчи босқич - саёҳларга тарқатиладиган Саёҳат дастури ва саёҳат йўриқномаларини ишлаб чикиш.

Иккинчи босқич - туристик йўналиш ёки алоҳида объектларни компаниямизнинг расмий веб-саҳифаси [charvak.uz](http://charvak.uz), ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари [facebook](#)да бизнес саҳифасида 1925 обуначиларга, пуллик промошулар ўtkazилади, компаниянинг телеграм канали (220 обуначи), телеграмдаги туроператорлар грухида (500 дан ортиқ туркомпаниялар грухи) ҳамда туризмга ихтисослаштирилган бошқа интернет тармоқлар ([tripadvisor.com](http://tripadvisor.com)) орқали тарғибот қилиниши.

## АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ТАДБИРЛАР

### МАЙ

1. Янги туризм маршрутлари бўйича алоҳида тақдимот ва тарқатма материаллари лойиҳасини тайёрлаш.

### ИЮН - ИЮЛ

2. Тақдимот ва тарқатма материалларни электрон шаклда ташкилотнинг расмий веб-саҳифасига, ижтимоӣ тармоқлардаги саҳифаларига, телеграм каналига ҳамда рекламага ихтинослаштирилган бошқа интернет тармоқларига жойлаштириш.

### АВГУСТ

3. Туризм маршрутлари бўйича қисқа видео роликлар тайёрлаш.

4. Видео роликларни ижтимоӣ тармоқларга жойлаштириш.

### АВГУСТ - СЕНТЯБР - ОКТЯБР

5. Фаол тарғибот кампаниясини олиб бориш

---

Туристик саёҳат ташкил этувчи корхона манзили: 100100, Тошкент шаҳар,  
Яккасарой тумани, Бобур қўчаси, 34

**Туристик саёҳат ташкил этувчи корхонанинг раҳбари:**

Нишаналиев Жавоҳир Абдуқаҳҳаровиҷ